

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

225 Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни сертифицикатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Сертификатлаштириш бўйича аккредитация қилинган органлар ва синов лабораториялари томонидан амалга ошириладиган ишлар ва хизматларни нарх юзасидан бошқаришни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 6 июлдаги 318-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 йил, 7-сон, 63-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. «Ўзстандарт» агентлиги Вазирлар Маҳкамасининг «Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори талабларига мувофиқ Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизимида ишлар ва хизматларга ҳақ тўлаш қоидаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У. Розукулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 19 апрель,
108-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 19 апрелдаги 108-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотларни
сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2004 йил 6 июлдаги
318-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банднинг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.
2. 4-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
3. Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда (1-илова):

а) 29-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«29. Лаборатория синовларини ўтказганлик, мувофиқлик сертификати-ни расмийлаштирганлик ва берганлик учун тўлов тартиби, ариза берувчига мувофиқлик белгисини қўллаш ҳуқуқи берилганлиги учун бир йўла тўланадиган бир марталик йиғимлар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланади»;

б) 34-банддан «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган» сўзлари чиқариб ташлансин.